

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

268 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ–1875-сонли қарорига мувофиқ ҳамда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни чоп этиш ҳамда етказиб беришни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 17 май,
ПҚ–1967-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2013 йил 17 майдаги
ПҚ–1967-сонли қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 31 майдаги ПҚ–362-сонли қарорида:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «(Р.С. Қосимов)» сўзлари «(А.И. Икромов)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни нашр қилиш ва қайта нашр қилиш бўйича танлов (тендер) савдоларини ўтказишда рақобат тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтирсин»;

в) куйидаги мазмундаги 8¹-банди билан тўлдирилсин:

«8¹. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан тартибга солиш назарда тутилган таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни етказиб бериш бўйича хизматлар ҳақи, шунингдек айрим ўқув адабиётларини декларация қилишда уларнинг нархи сунъий равишда оширилишига йўл қўймаслик устидан қаттиқ назорат ўрнатсин;

белгиланган тартибда ўқув адабиётларини янгилашда уларнинг нархлари динамикаси мониторингини юритсин ва мониторинг натижалари бўйича янги ўқув дастурлари, узлуксиз таълим тизими учун дарсликларни қайта кўриб чиқиш ва яратиш бўйича Ҳукумат комиссиясига маълумот киритсин»;

г) 9-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Республика мақсадли китоб жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 1 июндаги ПҚ–363-сонли қарорида:

а) кириш қисмидаги «чоп этиш, етказиб бериш ва сотилишининг» сўзлари «чоп этиш ва етказиб бериш» сўзлари билан алмаштирилсин»;

б) 2-бандида:

иккинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

«умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва ўқитувчиларини дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалар, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ва ўқитувчиларини чет тиллари бўйича дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш учун мўлжалланган бюджет ва ҳомийлик маблағлари, халқаро молия институтларининг кредит ва грант маблағлари, дарсликларнинг ижара тўловларини жамлаш, ушбу маблағлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

куйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ва ўқитувчиларини таъминлаш учун чет тиллари бўйича дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни сотиб олиш ва етказиб беришни бепул асосда молиялаштириш»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) 3-бандининг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан кейинги ўқув йили учун тақдим этилган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашрдан чиқариш ва сотиш квоталарини тасдиқлаш»;

г) 4-банди қўйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«зарур ҳолларда, Жамғарманинг Васийлик кенгашига Ўзбекистон Республикаси молия вазири билан келишиб, Жамғарма ижроия дирекциясининг ташкилий тузилмасига, тасдиқланган умумий ходимлар сони доирасида ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин»;

д) 8-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин»;

е) 3-иловада:

2-бандида «умумтаълим мактаблари» сўзларидан кейин «шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг кутубхона фондлари учун чет тиллари бўйича дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар» сўзлари қўшиб қўйилсин;

3-бандидаги «(кейинги ўринларда — ижроия дирекция)» сўзлари чиқариб ташлансин;

4 ва 5-бандлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Жамғарма юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида хорижий валютада талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағига, шунингдек ўз номи ёзилган Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган муҳрга эга.

5. Жамғарма фаолиятининг мақсади бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобига молиявий маблағларни бирлаштириш йўли орқали умумтаълим мактабларининг кутубхона фондлари учун дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг кутубхона фондлари учун чет тиллари бўйича дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни сотиб олиш ва етказиб беришни барқарор ва мутасил молиялаштиришни таъминлаш ҳисобланади»;

6-бандида:

иккинчи хатбошидаги «умумтаълим мактаблари» сўзларидан кейин «ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун чет тиллари бўйича дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар» сўзлари қўшиб қўйилсин»;

қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ва ўқитувчиларини таъминлаш учун чет тиллари бўйича дарс-

ликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни сотиб олиш ва етказиб беришни бепул асосда молиялаштириш»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

8-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан кейинги ўқув йили учун тақдим этилган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашрдан чиқариш ва сотиш квоталарини тасдиқлаш. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан чет тиллари бўйича дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашрдан чиқариш ва сотиш квоталари тақдим этилади»;

10-бандида:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«умумтаълим мактабларининг айрим тоифадаги ўқувчиларини бепул таъминлаш учун дарсликлар сотиб олиш ва етказиб бериш, шунингдек ижарага беришга мўлжалланган дарсликларни янгилаш харажатларини бюджет ва ижара маблағлари ҳисобидан молиялаштириш»;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ва ўқитувчиларини бепул таъминлаш учун чет тиллари бўйича дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни сотиб олиш ва етказиб бериш харажатларини Жамғарманинг айланма маблағлари ҳисобидан молиялаштириш»;

бешинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбошидаги «харид этилиши» сўзларидан кейин «ва етказиб берилиши» сўзлари қўшиб қўйилсин;

13-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳри бўйича Бош бошқармаси ҳисоб-касса марказидаги ягона ғазна ҳисобварағида маблағларни Жамғарманинг шахсий ғазна ҳисобварағи ҳисобига қўшиш орқали тўпланади»;

15 ва 16-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази (чет тиллари бўйича дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларга тегишли қисмида) ҳамда Халқ таълими вазирлиги зарур дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминланганлиги бўйича умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари кутубхона фондларини ҳар йили инвентаризация қилиш ҳамда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ва ўқитувчиларининг дарсликлар билан таъминланганлигини ўрганиш асосида кейинги календарь йили учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларга бўлган эҳтиёжнинг прогноз кўрсаткичларини чакана савдо тармоғи

орқали, кутубхона фонди ҳисобидан бепул таъминланиш ва ижара асосида таъминланиш кесимида ҳар йили 1 июнга қадар Жамғарманинг ижроия дирекциясига тақдим этиш. Бунда кейинги календарь йили учун ўқувчиларнинг истиқбол контингенти Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ҳолда аниқланади.

Яқуний эҳтиёж Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан аниқланади ва кейинги ўқув йили учун предметлар бўйича таълим тили, номи, синфлар ва курслар кесимида дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқариш ва сотишга прогноз квоталар шакллантирилгандан сўнг Жамғармага тақдим этилади.

16. Ижроия дирекция Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда ҳар йили 1 июлга қадар кейинги календарь йил учун Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари истиқбол параметрларини ишлаб чиқадилар ва Жамғарманинг Васийлик кенгашига кўриб чиқиши учун тақдим этади»;

18-бандида:

иккинчи хатбошидаги «чоп этилиши» сўзларидан кейин «ва қайта чоп этилиши» сўзлари ёзилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жамғарманинг айланма маблағлари ҳисобидан умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ҳамда ўқитувчиларини бепул таъминлаш учун чет тиллари бўйича дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни сотиб олиш ҳамда етказиб бериш харажатларини молиялашга»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

19-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«19. Жамғарма:

а) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қуйидаги йўналишлар бўйича мактаб кутубхоналарини дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш харажатларини қоплашга маблағлар ажратади:

биринчи синф ўқувчилари учун;

«Меҳрибонлик» уйлари, махсус мактаб ва мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари бўлган ўқувчилар учун;

ижтимоий ёрдамга мухтож бўлган оилалардаги ўқувчилар учун;

ижара тизими учун;

б) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига чет тиллари бўйича дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни сотиб олиш ва етказиб бериш харажатларини тўлаш учун»;

қуйидаги мазмундаги 19¹-банди билан тўлдирилсин:

«19¹. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий

ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан харажатлар сметасида назарда тутилмаган маблағларни (шу жумладан, нашриётлар, босмахоналар ва китоб савдоси корхоналари, шунингдек дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни етказиб беришни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмагани учун жарималар ва/ёки пеняларни қўллашдан олинган маблағлар)ни сарфлаш тақиқланади ва мазкур маблағлар Жамғармага қайтарилиши лозим»;

20-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Харидлар бўйича тасдиқланган квоталарига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни харид қилиш учун буюртмаларни танлов асосида жойлаштиради. Бунда дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларни умумтаълим мактабларига етказиб бериш «Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази чет тиллари бўйича дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни харид қилиш ва етказиб бериш учун буюртмаларни танлов асосида жойлаштиришни амалга оширади.

Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун чет тиллари бўйича дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни харид қилиш ва етказиб бериш борасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан тузилган шартномалар бўйича харажатларни Жамғарма ҳисобидан молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади»;

22-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар бўйича бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари томонидан олиб борилади.

Умумтаълим мактаблари томонидан дарсликларнинг ижара ҳақи тўловлари ва бошқа тушумлар бўйича ҳам ҳисоб ва ҳисобот олиб борилади»;

24-бандида:

учинчи хатбошидаги «дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларга» сўзлари ўрнига «умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларга» сўзлари ёзилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари билан биргаликда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун чет тили бўйича дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларга буюртмаларни умумлаштиради»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

25-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, ҳудудий халқ таълими бошқармалари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, Жамғарма ижроия дирекциясининг ҳудудий вакиллари ҳар ярим йилда бир маротаба тегишли ҳудудлар бўйича дарсликлар ҳаракати ва сақланиши тўғрисида умумлаштирилган ҳисоботларни, ҳисоботдан кейин келувчи ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Жамғарманинг ижроия дирекциясига тақдим этишади»;

28-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни харид қилиш учун Жамғарма томонидан молиялаштирилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази зиммасига юклатилади»;

30-бандидаги «Халқ таълимининг ҳудудий бошқарув идоралари» сўзларидан сўнг «ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари» сўзлари ёзилсин;

31-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Ижара ҳақи тўловлари тушумларини, дарсликларнинг ўрнатилган тартибда сақланиши ва фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек мактаблар томонидан дарсликлар ва ижара ҳақлари бўйича дастлабки ҳисоб-китоб ҳужжатларининг юритилишини назорат қилиш тегишли ҳудудий халқ таълими ва молия органлари ҳамда Жамғарманинг ижроия дирекцияси ҳудудий вакиллари томонидан амалга оширилади»;

чет тиллари бўйича дарсликларнинг ўрнатилган тартибда сақланиши ва фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари томонидан уларнинг ҳисобини юритишга оид дастлабки ҳужжатларни назорат қилиш ўрта махсус, касб-хунар таълимининг тегишли ҳудудий бошқармалари ва молия органлари томонидан амалга оширилади».

Мазкур Низомда учрайдиган «ижрочи дирекция» сўзлари ҳамма жойда «ижроия дирекция» деб ёзилсин.